

Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад



11:00 / 08.11.2020 2324

Имом, ҳофиз, мусанниф, сиқа Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Осим Розий.

Оталаридан, Али ибн Мадиний, Иброҳим ибн Ҳажжож Сомий, Абу Рубай Заҳроний, Ҳудба ибн Холид, Қутайба ибн Саъид, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ ва уларнинг табақасидагилардан ҳадис ривоят қилганлар.

Муҳаммад ибн Осим (оталари) шайх Абдураззоқдан ҳадис эшитиш учун у кишининг ҳузурларига борганлар.

Ибн Осим имом Термизийнинг замондошларидан бўлиб, у кишига илмда яқинлардан.

Бу кишидан Абдурраҳмон ибн Абу Ҳотим, Али ибн Иброҳим ибн Салама Қаттон, Умар ибн Исҳоқ, қози Абу Аҳмад Ассол, Абу Жаъфар Нуфайлийлар

ҳадис ривоят қилганлар.

289 йилда вафот этганлар.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан